ЧИГИТ ЭКИШГА ҲАММА НАРСА ТАХТ БЎЛСИН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СССР 50 йил

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 65 (4524). | ШАНБА | 1 апрель, 1972 йил, | 19-ЙИЛ ЧИҚИШИ | Баҳоси 2 тийин.

МАТБУОТ ИШИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Бизнинг халқимиз СССР-нинг ярим асрлик юбилейини ватанпарварлик ғайрат-шижоати ғоят ўсган бир вазиятда кутиб олмоқда. Корхона ва колхозларда, муассаса ва ўқув юртларида пропаганда ҳамда ташкилий-оммавий иш кенг авж олдирилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарори бу соҳадаги ишлар учун асос қилиб олинди.

Партиянинг ана шу муҳим ғоявий-назарий ҳужжатида матбуотимиз фаолиятининг аниқ ва конкрет программаси белгилаб берилди. Қарорда бундай дейилади: меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашда марказий ва маҳаллий матбуот, телевидение ва радиодан тўлароқ фойдаланиш, барча совет республикаларнинг ҳаётини, уларнинг қардошларча ҳамкорлигини ҳар томонлама ёритиш ва бу соҳада кўп миллатли авторлар коллективига—илғор ишчилар ва колхозчилар, олимлар ва ижодий зиёлиларнинг вакилларига, партия ва совет ходимларига, саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларига таяниб иш кўриш зарур.

Матбуот Улуғ Октябрнинг ярим асрлик юбилейига, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик даврида марксизм-ленинизм ғояларини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини коммунистик қурилишда эришган муваффақиятларимизни пропаганда қилиш соҳасида қимматли тажриба тўплади. Ана шу тажрибага таяниб, партия томонидан газеталар, журналлар, телевидение ва радио олдига қўйилган янги катта вазифаларни шараф билан бажармоқ учун матбуотнинг барча имкониятларини ишга солиш керак. Бу ишдан кузатилган асосий мақсад — совет кишиларининг ижодий ташаббусини авж олдиришдан, уларнинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини КПСС XXIV съезди қарорларини, тўққизинчи беш йиллик планини муваффақиятли амалга ошириш учун сафарбар қилишдан иборат.

Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсатини, пролетар интернационализми ва совет ватанпарварлиги принципларини пропаганда қилиш — матбуотнинг муҳим вазифасидир. Журналистларнинг талайгина коллективлари матбуот саҳифаларида, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида бу йўлни самарали ўтказиб келмоқдалар. Республика газеталари «Правда Украины», «Правда Востока» (Ўзбекистон), «Коммунист» (Арманистон), «Циня» (Латвия) факт ва далиллар билан тасдиқланган бир қанча мақолаларни, совет халқларининг ҳаётбахш дўстлиги тўғрисида меҳнаткашларнинг мактубларини босиб чиқардилар. «Советская Киргизия» ва «Советтик Қирғизистан» газеталарининг турли миллат кишиларини жипслаштираётган ягона оила туйғуларига бағишланган тематик сонлари жуда манзур бўлди. Харьков телестудиясининг янги эшиттиришлари қардош республикалар индустриал марказлари меҳнаткашларининг ҳамдўстлиги ва ўзаро ёрдамини яққол ифодалаб беради.

Матбуот, телевидение ва радио ихтиёрида кўпгина синалган форма ва воситалар борки, булар СССРнинг ташкил этилиши мамлакатимизда социализм ва коммунизм қуриш учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини, партия ва Совет давлатининг Совет Иттифоқидаги барча миллат ва элатлар экономикаси ҳамда маданиятини юксалтириш соҳасидаги буюк фаолияти натижаларини аниқ билиб олишга ёрдам беради. Ана шу мавзуга доир мақолаларни босиб чиқарганда уларнинг газетхонга, томошабинга, тингловчига кўрсатадиган тарбиявий таъсири аввало қўйиладиган масалаларнинг ғоявий мазмуни, аниқлиги ва чуқурлигига, журналистларнинг профессионал маҳорати даражасига боғлиқ эканлигини эсда тутиш лозим. Редакция коллективларидан ўз ишларини ташкил этишни такомиллаштириш ва аниқ планлаштириш, энг яхши ижодий кучларни жалб этиш, меҳнаткашларнинг хатларидан актив фойдаланиш талаб этилади.

Ҳаётнинг турли соҳаларида эришган муваффақиятларимиз тўғрисида гапирганда, асосий эътибор КПСС XXIV съезди қарорларини янада чуқурроқ пропаганда қилишга қаратилиши лозим. Совет Иттифоқи юбилейига тайёргарлик соҳасидаги кенг фаолиятни ана шу тарихий қарорларни бажариш билан чамбарчас боғлаб олиб бориш керак. Ўртоқ Л. И. Брежнев касаба союзларининг съездида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «...Ҳозир меҳнатнинг, хўжаликни юритиш, бошқарувнинг илғор методларини ўрганиш айниқса муҳим. Бу эса ишимиз бутун услубининг, партиямиз, барча совет халқи ҳал этаётган амалий ишларга бутун ёндошишнинг асосларидан бири бўлиб қолиши лозим». Матбуот СССР ташкил этилган кунининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақанинг жанговар ташкилотчиси бўлиб, шу кунларда коммунистик шанбаликка тайёргарлик кампаниясини қизитиб юборди, илғор коллективларнинг новаторлик ташаббусларини кенг қўламда кўрсатиб беряпти. Масалан, «Московская правда» ва «Казахстанская правда» газеталари бу ишни зўр ғайрат билан олиб бормоқда. Аммо матбуотнинг айрим органлари, жумладан «Советская Молдавия» газетаси бир неча ҳафтадан буён мажбуриятларга ва идоралар кенгашлари тўғрисидаги ҳисоботларга кўп ўрин бериб келмоқда, шу билан бирга меҳнат коллективларининг топшириқларни ва олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш йўлида олиб бораётган курашини амалий тарзда кўрсатиб беришга кам эътибор қилмоқда.

СССР юбилейига тайёргарлик даврида совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат традицияларини янада собитқадамлик билан пропаганда қилиш зарур. Кекса коммунистлар, гражданлар уруши ва Ватан урушининг ветеранлари, мусобақа илғорлари бу ишда редакцияларнинг ишончли ёрдамчиларидир. Уларнинг радио орқали ва телестудияларда уюштириладиган авлодлар учрашувида иштирок қилишлари, газета ва журналларга мақола ёзишлари меҳнаткашларнинг, хусусан ёшларнинг Ватанимиз тарихидаги шонли саҳифалардан, ҳозирги беш йиллик меҳнат қаҳрамонларининг ишларидан баҳраманд бўлишларига ёрдам беради.

Совет матбуоти капитализм дунёси билан идеологик курашда жуда катта роль ўйнамоқда. Ҳозирги вақтда империалистик пропаганда КПССнинг ленинча миллий сиёсатига қарши жуда қаттиқ ҳуруж қилмоқда, СССР ташкил этилишининг халқларимиз тақдири чун, жаҳон миқёсида социализм позицияларини мустаҳкамлаш учун аҳамиятини камситишга, Совет республикаларининг ҳаётини бузиб тасвирлашга интилмоқда. Матбуот ана шундай ҳуружларга қарши актив кураш олиб бориши, Совет мамлакатидаги ҳаёт тарзини, коммунистик идеалларни ёрқин кўрсатиб бериши лозим.

Матбуот ишидаги янги муҳим босқич идеологик фронтнинг ана шу масъулиятли соҳасидаги партиявий раҳбарликни янада такомиллаштиришни талаб этади. Партия комитетлари газета ва журналларнинг, телевидение ва радио эшиттиришлари программаларининг ғоявий жиҳатдан чуқур мазмунли бўлиши, адабий-публицистик жиҳатдан юксак савияда ва жанговар руҳда бўлиши тўғрисида, оммавий ахборотнинг ҳамма воситаларидан самарали фойдаланиш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Совет журналистлари, ишчи ва қишлоқ мухбирларининг кўпсонли активи Совет Иттифоқи юбилейига ҳозирлик кўриб, партиянинг ишончини шараф билан оқлайдилар, КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларни ҳал этишда матбуотимизнинг ролини янада юксак даражага кўтарадилар.

(«Правда» газетасининг 31 мартдаги бош мақоласи).

БЕШ ЙИЛЛИК ТЎРТ ЙИЛДА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Компрессор» заводида тайёрланаётган компрессорлар фақат Иттифоқимизда эмас, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир. Бирон бир йирик қурилиш йўқки, унда завод тамғаси босилган ускуналар ишлатилмасин.

Буни ҳисобга олган компрессорчилар кун сайин маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқдалар. Корхонада бешйилликни муддатидан олдин бажариш ташаббуси кенг қулоч ёзган. Иғувчи-слесарь Қўчқор Ғозиев ҳам шахсий мажбурият олиб ишлаб, смена топшириқларини 120—140 процентга етказиб адо этмоқда. Суратда: илғор слесарь иш устида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.



ШОНЛИ САНАГА

Калинин район меҳнаткашлари СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар. Агитаторлар ва пропагандистлар колхоз-совхозларда шу санага бағишлаб ўнлаб лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Деҳқонлар ва чорвадорлар шу кунларда СССРнинг 50 йиллигини кутиб олиш юзасидан шахсий мажбурият варақасини тўлғизмоқдалар. Унда ҳар бир колхозчи ёки совхоз ишчиси қандай мажбурият олганлиги ёзилади. Шу кунгача 5 мингдан ортиқ киши шахсий мажбурият варақасини тўлғизди. 15 апрелгача райондаги 20 мингдан ортиқ аҳоли бу мажбуриятга қўшилишга қарор қилди.

Ҳозирги кунда районнинг «Ленин йўли», «Ўзбекистон 40 йиллиги», «Москва» колхозларида, «Қорасув» ва «Дамачи» боғдорчилик ва узумчилик совхозларида бу иш яхши ташкил этилган. Умматова ташаббусига қўшилган 260 дан ортиқ сут соғувчи йил охиригача планидан ташқари 1500 литр сут топшириш мажбуриятини олдилар.

ТОШКЕНТДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

31 мартда Тошкентда марказий ва маҳаллий матбуот органларининг, телевидение ва радионинг ходимлари учун навбатдаги матбуот конференцияси ўтказилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. М. Матчонов КПСС XXIV съездининг қарорлари асосида меҳнаткашлар депутатлари советларининг фаолияти тўғрисида муфассал гапирди, журналистларнинг саволларига жавоб берди.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ МЕҲМОНЛАРИ

Араб Шарқидаги бир қанча мамлакатлар ва Бангладеш Халқ Республикасининг касаба союз марказларидан меҳмон бўлиб келиб СССР касаба союзлари XV съезди ишида қатнашган вакиллар Ўзбекистонда беш кун туриб, республика ҳаёти билан, касаба союзлари ташкилотининг фаолияти билан танишдилар.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини, В. И. Ленин Марказий музейининг филиалини бориб кўришди. Чет эл касаба союзларининг арбоблари Олмалиқ корхоналарида бўлишди. Ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароити билан танишдилар, шаҳар касаба союз активлари билан учрашдилар. Касаба союз марказларининг вакиллари Самарқандга, Калинин районидаги «Ленин йўли» совхозига бориб келишди.

ПОЛИГРАФИЯЧИЛАР КЕНГАШИ

Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ходимлари активлари кенгашининг иштирокчилари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети матбуот давлат комитети системасидаги корхоналари ва ташкилотларининг ўтган йилги ва 1972 йил биринчи кварталидаги иш якунларини, шунингдек СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЧОРВАЧИЛИКДАГИ ИШЛАРНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада кейинги йилларда чорвачилик фермаларида механизация кенг жорий этилаётганини таъкидлайдилар. 1966—1971 йилларда қорамолчилик фермаларида 1340 сигир соғиш агрегати ўрнатилди, 557 минг бош чорва моли механизациялашган тартибда сув билан таъминланди, 184 минг бош сигирга озуқа етказиб бериш, қорамол сақланадиган 897 бино комплекс механизациялаштирилди.

Асосий ишлаб чиқариш жараёнлари комплекс механизациялаштирилган колхозлар ва совхозлардаги фермаларда юқори маҳсулотли чорва моллар бор, техникадан самарали фойдаланиляпти, меҳнат харажатлари ва маҳсулот таннархи кескин камайди.

Бироқ, фермалардаги ишларни механизациялаш суръатлари ҳали етарли эмас. 1972 йил 1 январгача қорамолчилик фермаларида чорва молларни механизациялаштирилган тартибда сув билан таъминлаш 27,2 процентни, озуқа тақсимлаш 10,2 процентни, оғилхоналарни тозалаш 12,5 процентни, сигирларни соғиш 21,5 процентни ташкил этди.

Фермаларга ўрнатилган техникадан ҳам қониқарсиз фойдаланиляпти. Республикада ўтган йили сигир соғиш агрегатларининг 30 проценти, озуқа тақсимлаш ва оғилхоналарни тозалаш агрегатларининг 20 проценти бекор турди. Тошкент ва Бухоро областлари хўжаликларининг фермаларида сигир соғиш агрегатлари айниқса кўплаб бекор туриб қоляпти.

Фермалардаги ишларни механизациялаш бу қадар орқада қолиши туфайли чорвачилик маҳсулотлари бирлиги етиштиришга кўп меҳнат сарфланяпти, унинг таннархи қимматга тушяпти.

Хўжаликларда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш кўзда тутилмаган, эскириб қолган типовой лойиҳалар бўйича чорва бинолари қурилишини лойиҳалаш ва хўжаликларга топшириш ҳолларига йўл қўйиляпти. Бу, биноларни машиналар ва механизмлар ўрнатишга мослаб реконструкция қилиш учун қўшимча маблағ сарфлашга ва чорвачилик объектларини ишга туширишни кечиктиришга олиб келяпти. Чунончи, Фарғона областида 1970—1971 йилларда «Узколхозстрой» колхозларга 17 та чорвачилик объектини механизация воситаларисиз фойдаланишга топширди. Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 15-трестнинг пудрат ишлари планида 1972 йилда Самарқанд областида механизациялаш кўзда тутилмаган лойиҳалар асосида сигирхоналар қуриш мўлжалланган.

Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», «Узсельхозтехника» бирлашмаси, область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари чорвачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш, комплекс механизацияни жорий қилиш, ишга туширилган комплекс механизациялашган фермаларни ўзлаштириш, уларни малакали механизатор кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш, меҳнатни прогрессив усулда жорий этиш, техникадан самарали фойдаланиш ва фермаларни сермаҳсул чорва моллар билан тўлдиришга етарли эътибор бермаётирлар.

«Узсельхозтехника» бирлашмаси фермалардаги асбоб-ускуналарни индустриал методлар билан монтаж қилишни суст жорий этяпти, машиналар ва асбоб-ускуналарга техника хизмати кўрсатиш ҳамон тартибга солинмаган. Монтаж ишларининг сифати пастлигини кўрсатувчи фактлар бор. Асбоб-ускуналар базаларда ётиб қоляпти, улар жойларга комплектланмаган ҳолда жўнатиляпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чорвачиликда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялашни тубдан яхшилаш мақсадида Қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», «Узсельхозтехника» бирлашмаси, Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Узколхозстрой», область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари зиммасига беш йилликда колхозларнинг сут-товар фермаларида меҳнат унумдорлигини 54 процент, совхозларда — 56 процент, гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган колхозларда 47-56 процент, совхозларда 44-50 процент оширилишини таъминлаш мажбуриятини юкладн.

Чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялашни асосан тугаллаш керак. Фермалар қуриш, реконструкция қилиш яхшилансин, уларда меҳнатни ташкил қилишнинг илғор технологиясини қўлланиш йўли билан комплекс механизациялаш ва электрлаштиришга эришилсин.

1972—1975 йиллар мобайнида барча типовой ва реконструкция қилинган чорвачилик ҳамда паррандачилик фермаларида ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашни тугаллаш керак, янги фермаларда эса механизациялаш яхши йўлга қўйилган ва ўрнатилган асбоб-ускуналар қувватидан фойдаланиш тўла ўзлаштирилган тақдирдагина қабул қилинсин.

Ҳар бир ферма малакали механизатор кадрлар ва мутахассислар билан таъминлансин.

Совхозлар ва Қишлоқ қурилиши министрликлари, Госпланга 1972 йилги халқ хўжалик планига асосан чорвачилик бинолари қуриш, уларни механизациялаш ва қувватларини ишга туширишга доир пудрат ишларининг ҳажмини мувофиқлаштириш таклиф этилди.

«Узсельхозтехника» бирлашмасига унинг монтаж ташкилотлари кучи билан 1972 йилда Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли совхозларнинг чорвачилик ва паррандачилик фермаларини механизациялаш билан боғлиқ бўлган ишларнинг бир қисмини бажариш масаласини ҳал этиш топширилди.

Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликлари ва «Главсредазирсовхозстрой»га қурилаётган ва мавжуд фермаларда комплекс механизацияни амалга ошириш, озуқа цехлари ва сув манбалари қуриш учун совхозлар ва давлатнинг бошқа корхоналарига пудрат ишларини олиб бориш учун капитал маблағлар ва лимитлар ажратишни ҳар йили кўзда тутиш, фермаларда қурилиш, реконструкция ва комплекс механизацияни жорий этиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқишни таъминлаш топширилди.

(Давоми 2-бетда).

Чигит экишни қандай ташкил этамиз

Халқимиз, «деҳқончиликнинг қолипи йўқ» дейди.

Бу гап, менимча, ҳар йил об-ҳаво ҳар хил келишига қараб айтилган бўлса керак, чунки ҳар йилнинг ўзига яраша яхши фазилатлари, қийинчиликлари бор. Гоҳ об-ҳаво очиқ келади, гоҳ қиш чўзилиб, баҳорги ишлар орқага сурилиб кетади. Мана бу йил ҳам шундай бўлди. Қиш чўзилиб, март ойида қилинадиган жуда кўп ишлар бажарилмай қолди. Айни пайтда бу ишларни бир йўла бажаришга тўғри келмоқда. Бошқача айтганда, бу йилги ишлар бултурги қолипга тўғри келмайди. Деҳқон аҳволни ҳисобга олиб, ишни бошқача ташкил этиши, ақл-фаросатини ишлатиши зарур. Албатта, ўтган вақтни қайтариб бўлмайди. Ўтган вақт—отилган ўқ, вақтинг кетди, нақдинг кетди, деб бекорга айтилмаган. Шунинг учун ҳозир вақтни тежаш, яъни оз вақт ичида кўп иш бажаришга ҳаракат қилиш керак.

Бутун халқимиз қатори бизнинг колхозимиз аъзолари бу йил Совет Иттифоқининг 50 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга бел боғлаганлар. Бултур колхозчиларимизнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари туфайли пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. 1300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,7 центнердан ҳосил кўтарилди. Илғор бригада ва звено аъзоларининг ишлари жуда қувончли бўлди. Омонқул Айтқулов бошлиқ звено аъзолари ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга муваффақ бўлдилар. Қозоқбой Ризаев, Анорқул Абдуллаев бошлиқ бригадаларда 39, 38,5 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Бошқа бригадаларнинг ҳам иш натижалари ёмон бўлмади. Колхоз бўйича 3 минг 450 ўрнига 4648 тонна «оқ олтин» хирмони қад кўтарди. Даромад ҳам шунга мувофиқ катта бўлди. 1970 йилга нисбатан бултур 741 минг сўм кўп даромад қилинди.

Кўзда тутилган мақсадга эришиш дастлаб шу кунларда қиладиган ишларимизнинг миқдори ва сифатига боғлиқдир.

Ўтган йили 28 мартгача колхозимиз бўйича 391 гектар ерга чигит экиб қўйган эдик. Бу йил бир гектар ерга ҳам чигит экилгани йўқ. Шунинг учун бундан буён ишларни ниҳоятда зичлаштириб олиб боришимиз керак бўлади. Мана шу мақсадда колхоз правлениеси баъзи бир тадбирларни кўриб қўйди.

Аввало, арик-зовурлар тўла тозаланди. Кузда, яъни декабрь ойида, 400 гектар ер текислаб қўйилган эди, бу айни кунлардаги ишимизга яхши ёрдам бўлди. Энди бундан буён ер текислаш ишларини фақат механизм ёрдами билан ўтказишни мўлжаллаб турибмиз. Бу ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймади. Қўл меҳнати фақат ер четларини, увотларни чопишгагина сарфланади.

Ишни зичлаштириш учун сеялкалар сони оширилиб, нагрузкаси камайтирилди. Масалан бултур ҳар бир сеялка билан 60 гектар ерга чигит экилган эди. Бу йил ҳар бир сеялка билан 50 гектар ерга чигит экиш мўлжалланяпти. Иложи бўлса кеча-кундуз экишни мўлжаллаб турибмиз. Бу ишни амалга ошириш учун барча тракторларнинг чироқлари созлаб қўйилди.

200 гектар ерга 90х15 схемасида, қолган ерларга 60х20 схемасида тор қаторлаб чигит экилади. Чигит экиш билан бир вақтда ҳар гектар ерга 200 килограммдан сульфат аммоний, 200 килограммдан фосфор солинади ва бирйўла гербицид сепиб кетилади. Бунинг учун барча тракторларга ПГС аппарати ва ўғитлағичлар ўрнатилиб, синовдан ўтказилди. Колхозимиздаги 75 та трактор, 26 сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари далага бригадаларга чиқариб қўйилди.

Биз бу йил ҳамма еримизга «Тошкент-2» навли чигит экамиз. Бир гектар ерга чигит 40—45 килограммдан, ҳар уяга маълум миқдорда уруғ ташлайдиган сеялка билан экилади. Бундан асосий мақсад ишларни зичлаштириш ва яганага бўладиган харажатларни маълум миқдорда камайтириш, пилла қурти катта даҳага киргунга қадар яганани тамолаб олишдир. Ягана чўзиб юборилса, пахтанинг аҳволи яхши бўлмайди, бу пиллачилик ишига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Умуман, биринчи майгача барча майдонлардаги ғўзани тўла ундириб олиш учун колхозчиларимиз астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шу кунларда 654 киши далада ишлаб турибди. Улар ёввойи ўт илдизларини ва ғўзапоя чўпларини териб ташлашяпти, баъзи карталарда увотлар чопиляпти. Ҳамма меҳнатга шай бўлиб турибди. Олинган мажбуриятни бажариш учун бел боғлаган тадбиркор колхозчиларимиз юз берган қийинчиликларни енгадилар. Бунга бизнинг иймонимиз комил.

Юсуф ТОЛИПОВ,
Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси.

ЭРТАГА — ГЕОЛОГЛАР КУНИ



ЎЗБЕКИСТОН Фанлар Академиясининг геология ва геофизика институти ходимлари республикамиз территориясида янги-янги конларни очиш борасида тинимсиз изланмоқдалар. Янги техника ва илғор технология уларнинг яратувчилик ишларида айниқса қўл келмоқда.

Чапдаги суратда аспирант Ю. Волков экспедиция материалларини янги асбоб орқали текширяпти. Геология ва минералогия фанлари кандидати Тўрабек Долимов ҳамда кичик илмий ходим Фарида Содиқова тоғ жинсларини кўздан кечиришмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ҲАМИША ИЗЛАНИШДА

ГЕОЛОГ... Бу касб эгалари ниҳоятда хайрли ва шарафли иш бажараётганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Улар ҳар доим йўлда, изланишда. Қишнинг қировли кунларида ҳам, ёзнинг жазирама иссиғида ҳам тиним билишмайди. Ер остида асрлар давомида ястаниб ётган қазилма бойликларни қидириб топиш ишқида бўлишади. Бу билан мамлакатимизнинг бойлигига бойлик қўшадилар, халқ хўжалигининг турли хил маъданлар, ёқилғилар ва бошқа сон-саноқсиз хомашёларга нисбатан ошиб бораётган эҳтиёж ва талабларини қондиришга ёрдам берадилар.

Ўз сафига минглаб кишиларни бирлаштирган республикамиз геологлари коллективи фаолиятининг ажойиб самараларини кўрсатувчи кўпдан-кўп мисоллар келтириш мумкин. Ўтган бешйиллик ва тўққизинчи бешйилликнинг биринчи йилида катта ҳажмдаги геология қидирув ишлари амалга оширилди, янги-янги конлар очилди, мавжудларининг запаслари кўпайди. Айниқса, олтин конларини, турли-туман бинокорлик материаллари тайёрлаш учун хомашё запасларини, обиҳаёт манбаларини қидириб топиш ва фойдаланишга топшириш юзасидан қилинган ишлар салмоқли бўлди.

Ўзбекистон халқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантиришда геологик хизматнинг бошқа турлари қатори гидрогеология ҳам алоҳида ўрин тутади. Янги ерларни ўзлаштириш ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тез суръатлар билан олиб борилиши, ўтлоқларни кенгайтириш, шаҳарлар, саноат объектларининг сувга нисбатан эҳтиёжининг тўхтовсиз ортиб бориши, қишлоқларни ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш вазифаларини бажариш вазифаси бирлашмамиз коллективи зиммасига юклатилган.

Қурғоқчил иқлим шароитида ва оқар сувларнинг танқислиги туфайли Ўзбекистон халқ хўжалиги учун гидрогеологик тадқиқотлар жуда катта аҳамиятга эгадир. 50-йилларга қадар гидрогеологик тадқиқот ишлари асосан ирригация шохобчаларини қайта қуриш мақсадида ўтказиларди. Аҳоли яшайдиган пунктларни ичимлик сув билан таъминлаш ва кичик-кичик экин майдонларини суғориш учунгина онда-сонда қудуқлар пармаланарди.

Халқ хўжалигининг гидрогеологик тадқиқотларига нисбатан эҳтиёжининг кескин суръатларда ортиши геологиянинг бу соҳасини тез ривожлантириш учун шошилинч чоралар кўришни талаб этди. Шунинг учун ҳам бошлаб йирик масштабли гидрогеологик съёмкалар ўтказишга киришилди. Бунинг натижасида бир қанча ер ости сувларининг конлари топилди. Ана шу геологик тадқиқот ишларидан сўнг республикамизнинг барча аҳоли яшайдиган пунктларини ер ости суви билан таъминлашнинг аниқ плани ишлаб чиқилди. Ҳозирга қадар юзга яқин шаҳар ва район марказлари шундай сув билан таъминланган. Ер ости сувлари ҳисобига Тошкент, Ангрен, Оҳангарон, Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл, Янгиобод, Боёвут район ва бошқа ўнлаб шаҳар марказлари ичимлик сув билан тўла таъминланадиган бўлди.

Бирлашмамиз коллективи республикамизнинг саҳро зонасида ҳам қатор ер ости сув запасларини топишди. Бир қанча артезиан ҳавзалар борлиги аниқланди. Ҳозирги вақтда ўнлаб миллион гектар яйлов ер остидан отилиб чиқаётган сувдан баҳраманд бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун гидрогеологларимиз томонидан қазилган қудуқларнинг сони ўн мингдан ортиб кетди.

Серқуёш республикамиз территориясида сўнгги йилларда бир қанча минерал сув конлари топилди. Бу конлар совет кишиларининг саломатлигини мустаҳкамлашга, беморларни даволашга хизмат қилмоқда. Ана шу шифобахш сув конлари яқинида тиббий муассасалар ташкил этилди. Қатор шифохоналар, санаторийлар ҳар йили минглаб меҳнаткашларни ўз бағрига олмоқда.

Ўтган йилнинг биринчи ярмига қадар республикада гидрогеологик тадқиқот ишлари билан асосан гидрогеологик трести ва сув геология разведкаси илмий-текшириш институти шуғулланар эди. Бундай тарқоқлик сабабли гидрогеологик ва инженерлик геологияси тадқиқотларида илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ечишдан орқада қолинарди.

Ишлаб чиқариш тадқиқотлари ва илмий ишларнинг геологик-иқтисодий самарадорлигини ошириш манфаатлари бу тарқоқликка барҳам беришни тақозо этди. Тажриба шуни кўрсатдики, бирлашган шароитда иш олиб бориш, фан билан амалиётнинг самарали ҳамкорлиги, илмий ва ишлаб чиқариш ишларини планлаштириш ва бошқаришнинг ягона системасини қўллаш илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, фан ютуқларини геология-қидирув ишларига тез жорий қилиш мумкинлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам КПСС XXIV съездида бундай бирлашмалар самараси яхши бўлаётганлиги ва шунинг учун уларнинг сонини кўпайтириш кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу кўрсатмага мувофиқ ўтган йилнинг июль ойида гидрогеология трести билан сув геология разведкаси илмий-текшириш институти бирлаштирилиб, унга «Турон» номи берилди.

Бирлашманинг ташкил этилиши жуда катта иқтисодий самара бермоқда. Бошқарув аппаратини сақлаш учун сарф қилинадиган харажатлар юзларча минг сўмга камайди. Айниқса, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасидаги ишлар кўлами кенгайди. Бир қанча янги мосламалар ва бошқа асбоб-ускуналар яратилди ҳамда қўлланила бошлади. Натижада меҳнат унумдорлиги бирмунча ошди. Ўтган йили гидрогеологиянинг муҳим масалалари бўйича 12 та илмий-тадқиқот ишини жорий қилиш учун топширилди.

Коллективимиз илмий-техника тараққиётининг 1971—1975 йилларга мўлжалланган перспектив планини ишлаб чиқди ва шунга амал қилмоқда. Бу планда белгиланган тадбирларни амалга ошириш геология-разведка ишларида меҳнат унумдорлигини кўтариш, дала ишлари сифатини ва коллектив фаолиятининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш имконини беради. Фақатгина бу йил ана шу планда белгиланган айрим тадбирларни амалга оширишдан 314 минг сўм самара кўриш кутилмоқда.

Тўққизинчи беш йиллик йилларида гидрогеология ишлари ҳажмини кескин ошириш назарда тутилмоқда. Суғориладиган майдонлар янада кенгаяди, жуда кўп майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Бу — бирлашма гидрогеологларидан янада самаралироқ ишлашни, барча резерв ва имкониятларни ишга солишни талаб этади.

Эртага нишонланадиган ўз байрамимиз — Геологлар куни арафасида қилинган ишларга якун ясар эканмиз, бундан буён ҳам зиммамизга юклатилган барча вазифаларни бекаму-кўст бажариш учун астойдил интиламиз. Сув запасларини аниқлаш, меҳнаткашларни ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш имконини берадиган янги конларни қидириб топиш, гидрогеологик ишларнинг самарадорлигини ошириш йўлидаги изланишларни кенг кўламда давом эттираверамиз.

М. МИРҲАМИДОВ,
«Туран» бирлашмасининг геолог инженери.

БОҒЧАЛАР УМУМХАЛҚ ЭЪТИБОРИДА

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

Суҳбатимиз болалар муассасалари ҳақида борарди. Методист И. Бабкова кичкинтойлар тарбияси билан яқиндан таниш эмасми, боғча ва яслилар иши тўғрисида яхши гапларни айтди.

— Мактаб иши — умумхалқ иши, деймизку, аммо болалар боғчаларига келганда ҳамма ҳам унга бирдек бош қўшавермайди, — деди суҳбатдошимиз. — Нега шундай? Ахир, мактабда ҳам, боғчада ҳам ўғил-қизларимиз тарбия топишади-ку. Шундай экан, болалар муассасаларига ҳам эътибор кучайтирилиши лозим.

— Москвада ўтказилган кенгашда мактабгача тарбия муассасалари ишини яхшилашга қаратилган ўринли таклифлар айтилди, — деб сўзида давом этди ўртоқ Л. Бабкова. — Гапнинг пўст калласини айтганда, кўпгина йирик ташкилотларда ҳанузгача мактабгача ёшдаги болалар муассасалари бўйича методист штати йўқ. Ваҳоланки, бу жуда зарур, негаки, ўша ташкилот ихтиёрида бир эмас, икки эмас, беш ва ундан ҳам ортиқ боғча ва ясли бор. Шундай эмасми! Хўш, уларга ўша ташкилот томонидан ким раҳбарлик қилади? Агар, методист штати тайинланмаса, бу соҳа сансалор бўлиб қолади...

Методист буларни ўз ташкилоти тажрибасидан олиб гапираётганлигини англаш қийин эмасди. Аслида ҳам шундай!

...«Алмаликсвинецстрой» трестининг овозаси кенг тарқалган. Бу ерда ишчилар фарзандлари тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қилинади. Ҳозир трест ихтиёрида бир йўла тўртта болалар боғчаси ишлаб турибди. Улар бири-биридан яхши, намунали!

Айтгандек, трестда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари бўйича методист ажратилган. Ўртоқ Л. Бабкова шу вазифани бажаради. Қурилиш комитети раисининг ўринбосари ҳам бевосита болалар муассасалари билан шуғулланмоқда.

Методист штати тайин этилгач, трест раҳбарларининг боғча ва яслидан кўнгиллари тўқ бўлиб қолди. Методист кунда-кунаро кичкинтойлар даргоҳида бўлади. Ютуқ ва камчиликлар унга ойнадек равшан. Ҳамма иш у билан бамаслаҳат ҳал қилинади. Бирор бир зарур гап чиқиб қолса, методист орқали трест раҳбарларига етказилади.

Ўтган йили шундай бўлди: боғча қуриш зарурияти туғилган эди, трестдаги ўртоқлар йўқ, дейишмади. Қурилиш бошлаб юборилди. Ўз вақтида боғча фойдаланишга топширилди. Икки қаватли кўркам ва баҳаво бино учинчи қурилиш бошқармасининг кичкинтойларга муносиб армуғони бўлди. Бу ерда ҳамма нарса янги. Мебеллар ҳам, стол-стуллар ҳам, музика асбоблари ҳам. Хоналар дид билан безатилди.

Бинокор ва монтажчиларнинг 280 ўғил-қизини ўз бағрига олган бу даргоҳда уззукун ҳаёт қайнамоқда. Тарбиячиларнинг аксарияти кўпйиллик тажрибага эга. Т. Буркова, Е. Малигина, С. Ким ва бошқалар болалар атрофида парвона.

Трестга қарашли 7, 8, 11-болалар боғчаларида ҳам тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган. Онадек меҳрибон тарбиячиларнинг жонкуярлигидан ота-оналар беҳад мамнун бўлмоқдалар.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари бўйича трест методисти ташаббуси билан боғчаларда тарбиявий соатлар ташкил этилди. Тарбиячилар малакасини ошириш курси иш бошлади.

Амалга оширилаётган бундай тадбирлар ўзининг самараларини берди. Бу ўринда маданий-маиший хизмат кўрсатиш бўйича қўлга киритилган ютуқларни алоҳида кўрсатиб ўтиш қувончлидир.

Худди шу масалада республика миқёсида кўрик-конкурс ўтказилди. Унга трестга қарашли болалар муассасалари ҳам қатнашдилар.

Натижа кутилгандан ҳам зиёд бўлди. Бир йўла уч боғча кўрик-конкурсда ғолиб чиқди. Қандай яхши!

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги билан қурилиш ва саноат қурилиши материаллари ишчиларининг республика касаба союзи комитети уюштирган мазкур кўрик жюриси қарорига биноан 11-болалар боғчасига Фахрий ёрлиқ ва пул мукофоти берилди. 7, ва 8-болалар боғчалари эса учинчи ўринни олдилар.

«Алмаликсвинецстрой» трестининг бинокорлари ва монтажчилари фарзандлари тарбия топаётган болалар муассасалари Олмалиқ шаҳридаги энг намунали боғчалар қаторидан ўрин олди. Бу, тарбиячиларнинг ишчанлиги ва жонкуярлиги, қолаверса трестнинг яқиндан кўрсатаётган оталиқ ёрдами натижаси эмасми!

А. АЛИЕВ.

МАРФУҒА БЕКТЕМИРОВА Чирчиқ трансформатор заводининг пешқадам ишчиларидан бири. У кунлик планларини ортиғи билан бажариб, коллектив ҳурматини қозонмоқда.

В. Тюргашкин фотоси.

ЮБИЛЕЙГА МУНОСИБ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИДАН

Республикада СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёзмоқда. Халқ хўжалиги ҳамма тармоқларининг меҳнатчилари олган юксак мажбуриятларда мавжуд имкониятлар ва резервлардан тўлиқ фойдаланиш кўзда тутилган.

Ана шу мажбуриятларнинг бажарилиши учун маҳаллий советларнинг катта масъулияти тўғрисида, юбилейга тайёргарлик соҳасидаги ҳамма ишларда давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари катта роль ўйнаши ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 30 мартдаги мажлисида гаплашиб олинди.

Республика ишчилари, колхозчилари ва зиёлиларининг куч-ғайратини партия XXIV съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга оширишга, беш йиллик топшириқларида белгиланган марраларга эришишга сафарбар қилиш маҳаллий советларнинг энг муҳим вазифасидир. Советларнинг ва улардаги депутатларнинг бутун ташкилотчилик фаолияти ана шу вазифани амалга оширишга қаратилмоғи лозим.

Олий Совет Президиуми маҳаллий советлар хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни кучайтиришлари лозимлигини таъкидлаб ўтди. Корхоналарда ва қурилишларда, колхоз ва совхозларнинг бўлимларида, бригада ва фермаларида резервларни аниқлаб, ишга солишга кўмаклашиши лозим бўлган депутатлик группаларини ва депутатлик постларини тузиш тавсия этилди. Маҳаллий советлар олинган мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини текшириб унинг натижаларини ўз сессияларида муҳокама қилишлари керак.

Маҳаллий советларнинг ижроия комитетларига меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтириш ва қонунларга аниқ риоя этилишини контрол қилиб туриш, шаҳарларни, посёлкаларни ва қишлоқларни ободонлаштириш учун қўшимча чораларни кўриш, маданият муассасаларининг КПСС XXIV съезди қарорларини пропаганда қилиш, интернационал тарбия соҳасидаги ишини яхшилаш таклиф қилинди.

Советларнинг омма билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар ҳузурида ижроия комитетлар билан депутатларнинг ҳисоботларини мунтазам равишда ўтказиб туриш, доимий комиссияларнинг, аҳолининг жамоатчилик асосидаги ҳамма ташаббускор органларининг активлигини ошириш юбилейга муваффақиятли тайёргарлик кўришнинг зарур шартларидан биридир.

Олий Совет Президиуми ўз мажлисида бошқа бир қанча масалаларни, шу жумладан Қорақалпоғистон АССРда жиноий ишларни тергов қилиш ва суд орқали кўриб чиқиш муддатларига қандай риоя этилаётганлиги тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилди.

(ЎзТАГ).

(Боши 1-бетда).

ЧОРВАЧИЛИКДАГИ ИШЛАРНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ҲАҚИДА

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг бўлимларига янгидан қурилаётган ва ҳозир мавжуд бўлган чорвачилик ҳамда паррандачилик биноларини, сут комплексларини, озуқа цехлари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа объектларини (нефть базалар, сушилкалар, теплицалар), канализация, водопровод ўтказиш, технология ускуналарини монтаж қилиш, ички электрлаштиришни амалга ошириш топширилди.

Республика Госплани зиммасига белгиланган ҳажмдаги пудрат ишларини бажариш учун «Узсельхозтехника» бирлашмасига ҳар йили моддий ресурслар ажратиш вазифаси юклатилди.

«Узсельхозтехника» бирлашмасига 1972—1973 йилларда еттита кўчма механизациялашган колонна ташкил этиб, уларни монтаж, ишга тушириш-созлаш ишларига ихтисослаштириш ҳамда фермалардаги, қишлоқ хўжалик комплекслари ва бошқа объектлардаги технологик жиҳозларни лойиҳадаги қувватларга етказиш; 1972 йилда мавжуд тўққизта ихтисослаштирилган монтаж бошқармаларини механизациялашган кўчма колонналарга айлантириш топширилди.

Республика Госплани ва Молия министрлигига кўчма механизациялашган колонналар ва машина ҳамда ускуналарда техника хизмати кўрсатувчи пунктлар, ишга солиш-созлаш участкалари тузила боргани сари «Узсельхозтехника» бирлашмасига бошқарув аппаратини таъминлаш учун қўшимча равишда иш ҳақи фонди, маблағлар ажратиш вазифаси топширилди.

Комплекс механизацияни жорий этиш билан боғлиқ бўлган ишлар ҳажми кўпайиши муносабати билан «Узсельхозтехника» бирлашмасига марказий аппаратда чорвачилик фермаларини механизациялаш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини электрлаштириш Бош бошқармаси тузишга рухсат этилди.

«Узсельхозтехника» бирлашмасига, Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликлари ва «Главсредазирсовхозстрой»га фермалардаги механизация воситаларини монтаж қилиш, созлаш ва ўзлаштиришга доир ишларни ташкил этиш ҳамда уларнинг сифатини ошириш, машиналарга техникавий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ва техниканинг эҳтиётлик билан сақланишини таъминлаш, колхозлар, совхозларнинг фермаларида ва «Узсельхозтехника» район бирлашмаларида машина ва ускуналарга техникавий хизмат кўрсатиш пунктлари ва постлари тузиш ҳамда ускуналаш, созловчи слесарлар штатини тўлдириш таклиф қилинди.

Ишларнинг миқёси катталиги муносабати билан «Узсельхозтехника» бирлашмасига бу йил Қорақалпоғистон республика «Узсельхозтехника» бирлашмаси, Тошкент ва Самарқанд область бирлашмалари ҳузурида ускуналар ва материалларни комплекс ҳолда етказиб бериш учун хўжалик ҳисобида ишлайдиган комплектациялаш базалари, бошқа областларда эса ишларнинг ҳажми кўпайтирилгани ҳолда ана шундай базалар тузишга ижозат берилди. Госпланга ва Молия министрлигига базалар ташкил этила бориши билан «Узсельхозтехника» бирлашмасига бошқарув аппаратини сақлаш учун қўшимча иш ҳақи фонди ва маблағлар ажратиш топширилди.

«Узсельхозтехника» бирлашмасига ностандарт монтаж заготовкалари буюмлари, сантехника, электротехника ва бошқа заготовкалар тайёрлаб берадиган ишлаб чиқариш базалари қуришга капитал маблағлар ажратиш таклиф қилинди. Токи беш йилликнинг охиригача ана шундай заготовкалар ишлаб чиқаришнинг ҳажми технология ускуналарини монтаж қилишга доир ишларнинг умумий ҳажмига нисбатан 25 процентга етказилсин: йирик чорвачилик фермаларида, комплексларида, теплица комбинатларида ҳамда колхозлар ва совхозларнинг бошқа ишлаб чиқариш объектларида фойдаланишга топшириш-созлаш ишларининг сифати оширилсин.

Госпланга ва «Узсельхозтехника» бирлашмасига 1973 йилдан бошлаб, монтаж ташкилотларида технологик ускуналарни, ностандарт буюмларни, монтаж узеллари ва заготовкаларни ишлаб чиқариш-технология жиҳатидан комплектлаш хизмати кўрсатишни ташкил этиш; озуқа тайёрлаш учун ускуна, машина ва механизмлар ремонти ҳажмини кўпайтириш; колхоз ва совхозларнинг ускуналарга, запас қисмларга, узелларга, ремонт материаллари ва эксплуатация материалларига эҳтиёжини тўлароқ қондириш, «Узсельхозтехника» район бирлашмалари ҳузурида узеллар, агрегатлар, электр двигателлари ва фойдаланишга топшириш-созлаш аппаратларини ўзаро айирбошлаш пунктлари ташкил этиш топширилди.

Энергетика ва электрлаштириш министрлигига фермалардаги янги лектр шохобчалари қурилишини ва уларнинг мавжуд ички электр тармоқларини реконструкциялашни ўз вақтида амалга ошириш таклиф қилинди. Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликларига юқорида кўрсатиб ўтилган ишларни бажариш учун Энергетика ва электрлаштириш министрлигига буюртмаларни ўз вақтида бериб туриш топширилди.

Республика Госстройига Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар министрликлари, «Узсельхозтехника» бирлашмаси, Қишлоқ қурилиши министрлиги ва «Узколхозстрой» билан келишиб 1972 йилнинг охиригача комплекс механизациялашга мўлжалланган чорвачилик биноларининг тавсия қилинаётган типовой лойиҳалари рўйхатини нашр этиш таклиф қилинди. Кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларни механизациялаш кўзда тутилмаган чорвачилик биноларини бундан буён қуриш тақиқланади. Лойиҳада механизациялаш кўзда тутилмаган ва 1972 йилда қурилаётган объектларда буюртмачилар ва пудратчиларга ана шу ишларни кўзда тутиш топширилди.

Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликларига комплекс механизациялашни жорий этиш билан шуғулланаётган чорвачилик фермаларининг мутахассислари, механизаторлари ва бошқа ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида Молия министрлиги ва касаба союз ташкилотлари билан келишиб таклифлар тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

«Узгипросельстрой» лойиҳалаш институтига озуқа цехлари ва озуқа ошхоналари лойиҳаларини ишлаб чиқишни туталлаш топширилди. «Узсельхозтехника» бирлашмасига ана шу лойиҳаларга биноан озуқа цехлари ва озуқа ошхоналарини материаллар ва ускуналар билан таъминлаш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими Давлат комитетига, Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой» ва «Узсельхозтехника» бирлашмасига фермалар учун мутахассислар ва механизаторлар, ремонтчи слесарлар, созловчи усталар, уларни ана шу кадрлар билан тўла таъминлашни назарда тутган ҳолда тайёрлаш тўғрисида республика Министрлар Советига таклифлар тақдим этиш топширилди.

Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар министрликларига, «Узсельхозтехника» бирлашмасига ҳар бир областда фермаларнинг механизатор кадрлари малакасини ошириш курслари ташкил этиш, иш тажрибасини айирбошлаш юзасидан мунтазам семинарлар ўтказиб туриш, тегишли техникавий адабиёт, қўлланма ва справка материаллари нашр этиш таклиф қилинди.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига фермаларни механизациялашни жадаллаштириш мақсадларида саноат ва қурилиш ташкилотларининг колхозлар ва совхозларга оталиқ ёрдами кўрсатишларини йўлга қўйиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари, қурилиш ташкилотлари фермалардаги кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялашни жадаллаштириш ва КПСС XXIV съезди чорвачиликни юксалтириш соҳасида қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ҳамма зарур ишларни қиладилар, деб ишонч билдирадилар.

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ НАБИ РАҲИМОВ 60 ЁШДА

САНЪАТИМИЗ ФАХРИ



Наби Раҳимов билан репетиция, саҳнада, кинопавильонда, дубляж хоналари ва томошабинлар орасида кўп учрашганмиз. У ҳамиша ҳушчақчақлиги, самимийлиги билан диққатингизни ўзига тортади. Улкан саҳна устасининг юбилей тўйига тайёргарлик кетаётган кунлардан бирида биз Ҳамза номли театрда бўлдик, юбиляр билан учрашдик...

Суҳбат театр фойесида бўлиб ўтди. Театр кекса санъаткорнинг 60 йиллигига бағишлаб катта стенд тайёрлабди. Фотостендда бу кўпқиррали санъаткорнинг 40 йил давомида ўйнаган ролларидан айримлари кўрсатилган. Ролларнинг хилма-хиллигини кўриб, ҳайрон қоласан, киши: Дон Жузн (Тош меҳмон) ва Шокир ота («Қутлуғ қон»), Лаарт («Гамлет») ва Дзержинский («Кремль куранти»). Тихон («Момақалдироқ») ва Нил («Мешчанлар»), Незнамов («Айбсиз айбдорлар») ва Яго («Отелло»), Герцог Албени («Қирол Лир») ва Тейлор («Қонли сароб»), Бобо Кайфий («Мирзо Улуғбек»), ва Хлестаков («Ревизор»)...

Рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Устод санъаткорнинг экранда яратган образлари, дубляж қилинган роллари беҳисоб. Театр, кино, радио, дубляж, телевидение... Санъаткор уларга қандай улгураркин! Наби ака яратган образларни, у овоз берган фильмларни, у режиссёрлик қилган «Табассум» радиожурналини эслайлик. Бирортасида енгил-елпи ишланган деталларни ёки чуқур идрок этилмаган образларни эслай олмаймиз. Демак, у — қаерда ижод қилмасин, қанчалик банд бўлмасин, ҳамиша ўзига ҳам, ўз ҳамкасб шерикларига ҳам ҳамма вақт бирдай юксак талабчан санъаткор. Актёр учун бу фазилат ғоят зарур.

Санъаткор меҳнати ҳақида сўз кетганда Наби ака узоқ ўйланиб, бундай дейди:

— Уйғур, оға, Аброр ака, Етим Бобожонов, Обид Жалиловлар ижоди мен учун мактаб бўлди. Меҳнат қилишни, ижод қилишни ана шу устозлардан ўргандим. Ҳозир ҳам ижод қилсам «шу ишим уларга ёқардими-йўқми?» деб ўзимга ўзим савол бераман... Ҳар бир роль устида ишлаш жараёнида серфикр ва талабчан совет томошабинининг юксак дидини назарда тутмасанг, давр талабларига жазоб бера олмайсан.

Кино билан театр саҳнасидаги ижод ўртасида катта тафовутлар бор. Лекин шунга қарамай, қандайдир «умумийлик» ҳам бор. Улар актёрнинг техникасини ҳамиша пардозлаб, бойитиб боради. Мени режиссёр Латиф Файзиев «Бой ила хизматчи» фильмидаги Алексей ролини ўйнашга таклиф этганида, ўйланиб қолдим. Кинокамера рўпарасида ижод қилиш қандай бўларкин? Эплай олармикинман? Энди 30 га яқин кинофильм яратилишда қатнашиб, оз бўлса-да, тажриба орттирдим. Олдинлари мени чўчитган «кино спецификаси» энди менга ёрдам беради. Кинонинг йирик плани, монтаж усуллари мураккаб мавзуларни ёритишга имкон беради. Қиёфангиздаги сезилар сезилмас ўзгаришни кинокамера илғаб олиб, йирик планда экранда намоён этади. Буни саҳнада ҳам ҳисобга оламиз. Ҳа, саҳнада ҳам ана шу тажрибадан фойдаланишга ҳаракат киламиз. Театрнинг шуниси яхшики, унда ролни бир неча ўн, юз марта ўйнайсан. Демак, борган сари ана шу образнинг туб моҳиятини очиш учун янги-янги чизиқлар, воситалар излайсан. Образ спектаклдан спектаклга қиёмига етаверади. Кинода эса бир ролни бир марта ўйнайсан. Ҳозир баъзи бир фильмларда ўйнаган ролларни кўриб, «бошқачароқ хатти-ҳаракат қилсам бўларкан, қани энди шу ролни кинода қайта ўйнасам» деб ўйлаб қоламан. Мен кинодаги ижодимни театрсиз, саҳнадаги ижодимни экран санъатисиз тасаввур ҳам этаолмайман энди.

Ҳа, театр Н. Раҳимовни роль устида, ўз актёрлик техникаси устида пухта ишлашга одатлантирди, кино шу ижрочилик техникасини янада мукаммаллаштирди. Актёр талантининг турли қирралари очилишида, саҳнада ва киностудия павильонларида ранг-баранг роллар устида ишлаши сабаб бўлди.

Бу ҳақда гап кетганида Наби ака бундай деди:

— Устозларим билан, академик театр коллективи билан ўтказилган дамлар нақадар сермазмун, лаззатли! Худди ана шу орттирган тажрибам кинода ҳам керак бўлди... Театрда воқеалар кетма-кет, бир текисда ривож эта боради. Шунга ўрганиб қолади театр актери. Лекин, актёр роль устида ишлаш даврида театрда ҳам, кинода ҳам ягона системага — Станиславский системасига таянади. Бу илғор системани эса устозларимиз раҳбарлигида театримиз саҳнасида аллақачон синаб кўрганмиз, уни ўзлаштириб олганмиз.

Наби ака билан суҳбатлашсангиз, у албатта ўз устозларини, ўзи туғилиб-ўсган гўзал ўлкани, санъат оламига қўйган илк қадамларини эслайди. Унинг ёшлиги ўтган Қўқонда шу ерлик санъаткорлар унинг илк саҳна қадамларига мададкор бўлганлар. Тамарахоним ва Муҳиддин Қори бошчилигидаги театрнинг томошаларини завқланиб кўрган бу ўспиринда санъаткор бўлиш орзуси пайдо бўлди, биринчи марта саҳнага ҳам шу шаҳарда чиқди. Тўғри, ҳаваскорлар саҳнаси эди. Лекин, ўйнаган илк роли ёдда қолади. Буни қаранг-ки, бу роль «Аршин мол олон» музикали комедиясидан эди. Кейинчалик Наби ака бундай комик ролларни кўплаб ўйнади.

Ўн саккиз яшарлик Наби Раҳимовни санъатимизнинг заҳматкашларидан бири Миршоҳид Мироқилов Самарқандга олиб келди. Бу кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарда ўша кезлари саҳна санъатимиз истиқболини кўзлаб, ижод қилаётган талай режиссёр ва актёрларнинг улкан ижодий устахонаси бор эди.

Наби Раҳимов Самарқанддаги Марказий театр — ҳозирги Ҳамза номли академик театрида ўз ижодини бошлади. Ана шу даврдан бошлаб Наби Раҳимов ижрочилик санъати сирларини ўрганди, турли-туман роллар устида ишлади. Махсус профессионал таълим олмаган актёр ўз таланти ва меҳнати туфайли улкан ютуқларни қўлга киритди. У Шекспир, Гоголь, Островский, Горький, ҳамда Ойбек, Уйғун, Яшин асарлари қаҳрамонлари билан кенг томошабинлар оммасини таништирди. халқ таҳсинига сазовор бўлди. Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ орденига, СССР халқ артисти унвонига, республика Ҳамза мукофотига сазовор бўлди.

Эндиликда Наби акани — актёр сифатидагина эмас, педагог сифатида ҳам ҳурмат қиладилар. У актёрли санъатини ўрганаётган ёшларга таълим бермоқда. Фақат театр институтидагина эмас, саҳнада ҳам, павильонда ҳам ёш ижрочилардан ёрдамини аямайди. Кинорежиссёр Равиль Ботиров устод санъаткор ҳақида бундай дейди:

— Наби ака мураббий санъаткор. Актёр ҳеч қачон ўз тажрибасига ишониб, роль устида юзаки, енгил-елпи ишламайди. У текст устида, ҳар бир ҳатти-ҳаракати устида кунт-қаноат билан ишлайди. Ўз актёрлик техникасини ҳамиша бойитиб, такомиллаштириб ёшларга ҳам шу маҳоратини ўргатиб боради. Бунга мен «41-йил олмалари» фильмини суратга олиш даврида яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Талабчан, серфикр актёр ҳали кўп образлар яратиб, томошабин дилини хушнуд этади, ўткир шогирдлар етиштириб, санъатимизнинг эртаги куни янада порлоқ бўлиши учун замин тайёрлайди.

Юбилей кунида улкан санъаткорга узоқ умр, янги ижодий чўққилар истаймиз.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
Санъатшунослик фанлари кандидати.

НАБИ РАҲИМОВ ўзбек кино санъатига ҳам улкан ҳисса қўшган санъаткордир. Ўнлаб киноларда бош қаҳрамон ролларини ижро этди. Ҳар бири ўзига хос янги-янги характерлар яратди. Суратларда: СССР Халқ артисти Наби Раҳимов ижро этган кинофильмлардан кадрлар.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

✦ Тошкентдаги бу ҳунар мактаби нон заводларига малакали мутахассислар тайёрлаб беради. Бу ерда ўқувчиларнинг ўқишлари ва амалий кўникма ҳосил қилишлари учун ҳамма нарса муҳайё қилинган.

Билим юрти бир йилга мўлжалланган бўлиб, машғулотлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. М. Ойтўраева, Ф. Григорьевалар бўлажак касб эгаларининг севимли педагоглари бўлиб қолишди.

И. ҲАСАНОВ.

●

✦ Социалистик Чирчиқдаги маданият уйлари ва саройларида ҳозир кўпгина тўгараклар ишлаб турибди. Айниқса, эстрада ва духовой оркестрлар, драма ва хор тўгаракларига қизиқиш катта.

Машинасозлар маданият саройи ҳаваскорлари ҳам ўз репертуарларини бойитиб бормоқдалар. СССР ташкил этилган куннинг ярим асрлик тўйи олдидан ҳаваскорлар коллективи янги концерт программасини тайёрлашга киришди.

О. ЛЕВАК.

●

✦ Ўрта Осиё темир йўлига қарашли техника прогресси ва иқтисодий билимлар халқ университети машғулотлари гинглвчиларга манзур бўлмоқда. «Тўққизинчи беш йилликда транспорт тараққиёти» деган темада ўқилган лекция айниқса уларда яхши таассурот қолдирди.

Машғулотларни олиб боришда иқтисодчи олимлар, темирйўлнинг мутахассислари, медицина институти тайёрлов бўлими катта ёрдам бермоқдалар.

А. ПАШКОВА.

●

✦ Бу йил Тошкент Давлат медицина институти тайёрлов бўлими машғулотларига катта ҳозирлик кўрилди. Ҳозир бу ерда 200 нафар йигит-қиз ўз билимини оширмоқда.

Бўлажак студентлар билан олиб борилаётган машғулотлар кунгилдагидек бўлмоқда. Бунда Т. Сайдвалиев, Сафаров каби ўқитувчиларнинг хизматлари каттадир.

А. ИСРОИЛОВ.

ЧЕКИШНИ ТАШЛАНГ!

Европада 400 йилдан бери тамаки чекилади. Тамакининг асл жойи Латин Америкаси мамлакати — Эквадордир. Европага 1469 йилда Колумб тамаки тўғрисида илк маълумотларни келтирди.

Массондаги француз вакили Нико 1560 йилда Парижга ғоят чиройли ўсимлик олиб келди. Француз олими Линей бу ўсимликка «никотиана» деб ном берди. «Тамаки» сўзининг келиб чиқиши ҳам қизиқарли тарихга эга: Колумб экспедициясининг аъзоси монах Романо Пако, Сан-Доминго ороллари аҳолиси «Табак» деб аталувчи икки тишли грубкадан ноорат номаълум ўсимликнинг қуруқ баргларини чекишларини ёзган эди.

Биринчи бўлиб инглиз матрослари тамаки чека бошладилар. Германияга бу одатни испан солдатлари олиб келишди. Россияда тамаки XVI аср охирларида тарқала бошлади. 1697 йилда Петр I тамаки чекишга рухсат бергандан сўнг, бу одат айниқса кенг ёйилди.

Лекин, қатор мамлакатларда чекишга қарши қаттиқ кураш олиб борилди: кашандаларни уришар, қамашар, меросдан маҳрум қилиб, черковдан ҳайдашар эди. Москванинг буюк ҳокими Михаил Федорович тамаки пойтахтда кўп ёнғинларга сабаб бўляпти, деб чекувчиларни ўлим жазосига ҳукм қилиш ҳақида фармон берган.

Англия қироли Яков XVI асрда чекилган бир фунт тамаки учун 6 шиллинг жарима солларди ёки 10 сутка қамоқ жазосига ҳукм қиларди. Бундай таъқибларга қарамай ярамас одат ҳамон давом этиб келмоқда.

Бир кунда 20 грамм тамаки чеккан киши заҳарли ис гази ва никотиндан иборат 20 литр енгил тутун ютади. Бу тутун таркибида саломатлик учун ғоят зарарли бўлган моддалар бор. Кўп чеккан киши йўтал касалига мубтало бўлади. Чекиш бронхит касалини келтириб чиқаради, нафас олиш йўлларини яллиғлайди.

Битта сигарета чекиб бўлгандан кейин 10-15 минут ўтгач, у ошқозон фаолиятини бузади. Бу ҳол кўп давом этса ошқозон ичак касали юзага келиши мумкин. Айрим одамлар чекиш ақлий меҳнатга ижобий таъсир қилади, дейишади, айримлар тамаки кайфиятни яхшилаб, қувват беради, деб ўйлашади. Бу гаплар нотўғри.

Академик Павлов «Тамаки билан юракни хафа қилма!» деб уқтириб ўтган эди. Буюк олимнинг сўзларини бирдам унутмаслик, чекишга ўрганмаслик керак. Эҳтиёткор кишилар 50 ёшларга борганда чекишни ташлашади, чунки ёш ўтгач, одам саломатлигининг ўзи шуни тақозо этади.

Шундай экан, гарчи осон бўлмаса-да, чекишни ташлаш керак.

В. УРИЦКИЙ,
илмий ходим.

КЎРГАЗМАЛИ АГИТАЦИЯ ТИЛИ БИЛАН

Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги безакли рассомлар мактабида кўргазмали агитациянинг бўлажак усталаридан юз киши машғулот бошлади. Биринчи машғулот КПСС XXIV съезди қарорлари асосида идеология ишининг вазифаларига бағишланди.

Мактабнинг бир йилга мўлжалланган программасида тасвирий агитация ва пропаганданинг илмий ташкил этиш асосларини, меҳнаткашларга эстетик тарбия беришда тасвирий-амалий санъатнинг ролини ўрганиш кўзда тутилган.

Амалий машғулотлар Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ва санъат музейида ўтказилмоқда.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТДАН БАХТ ТОПГАН АЁЛ

Март ойи Калинин районидаги «Ленин йўли» колхозининг сут соғувчиси Тўхта опа Каримовага уч томонлама қувонч келтирди.

У аввало Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорларининг қурултойига делегат бўлиб борди. Сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор» деган фахрий унвон берилди.

Тўхта опа бундай қувончларга ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари туфайли эришмоқда. У колхознинг тажрибали сут соғувчиси. Ўтган йили ўзига бириктирилган 13 бош сигирдан 37000 ўрнига 42418 килограмм сут соғиб олди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 3262 килограммдан тўғри келди.

Тўхта опанинг бу йилги мажбурияти бундан ҳам баланд.

— Мен бу йил боқувимдаги 14 бош сигирдан 45000 килограмм сут соғиб олмоқчиман. Совет Иттифоқининг 50 йиллиги шарафига социалистик мажбуриятимни барвақт бажараман.

Саккиз фарзандини тарбиялаган, меҳнатда обрў-эътибор қозонган бу муҳтарам онахонга чин кўнгилдан янги ғалабалар ёр бўлсин!

И. СУЛТОНОВА.

ДУНЁ ОВОЗИ

чет эл хабарлари

МИЛЛИЙ КАДРЛАР САФИ ЎСМОҚДА

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Монголияда 20 та ҳунар-техника билим юрти очилган. Йигит-қизлар бу билим юртларида 70 хил мутахассисликни эгаллашмоқда. Билим юртлари замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ўқувчилар назарий билимларни бевосита ишлаб чиқаришда мустаҳкамлайдилар. Тегишли профилдаги саноат корхоналари, шунингдек, қишлоқ хўжалик бирлашмалари ҳамда давлат хўжаликлари ҳар бир ўқув юрти устидан оталиқ қилмоқда.

ЁШЛАР ТАШАББУСИ

ВАРШАВА. (ТАСС). Варшавада Польша радиоси ва телевиденесининг комплекс биноси қад кўтармоқда. Комплексда редакциялар ва студиялар жойлашади. Социалистик ёшлар союзи радио ва телевидение комплекси қурилишини оталиққа олишга қарор қабул қилди. Янги телевизион марказнинг айрим объектларини муддатидан олдин ишга тушириш юзасидан мажбуриятлар қабул қилинди.

ТЕРЕЗА РЕМИШЕВСКА—Польшанинг жасур яхтачисидир. У бу йил катта денгиз жасоратига ҳозирлик кўрмоқда. Жасур аёл ёз ойида якка ўринли «Коммодор» яхтасида Атлантик океанини сузиб ўтишни мақсад қилиб қўйган. ЦАФ—ТАСС фотоси.

СЕНИНАР ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ДЕҲЛИ, 30 март. (ТАСС). Ҳиндистон пойтахтида «Империализм, мустақиллик ва ҳозирги дунёда социал ўзгаришлар» деган мавзуда беш кун давом этган халқаро семинар ўз ишини тамомлади. Жаҳон Тинчлик Кенгаши, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти ҳамда Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги Умумҳиндистон уюшмаси ташкил қилган бу семинарда 25 мамлакатдан келган олимлар, шу жумладан, Совет Иттифоқининг вакиллари иштирок этишди. Совет олимлари семинарда халқаро сиёсатнинг бир қанча масалалари юзасидан бирқанча доклад қилишди.

Семинар қатнашчилари қабул қилган резолюцияда империализмга қарши курашаётган Вьетнам, Лаос, Камбоджа ва бошқа мамлакатларнинг халқлари билан бирдамлик туйғулари изҳор этилади. Резолюцияда империализм жаҳон стратегиясининг бир қисми бўлган АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги сиёсати қораланди. Семинар қатнашчилари Ҳинди-Хитой халқларининг Америка агрессиясига қарши олиб бораётган кураши алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

УГАНДА ҲУКУМАТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

КАМПАЛА, 30. Уганда ҳукумати Кампаладаги Исроил элчихонасини ёпиш тўғрисида фармойиш берди. Республика президенти генерал Иди Амин мамлакат граждан ва ҳарбий раҳбар арбобларининг кенгашида шу гапни маълум қилди.

Элчихона ходимларини кўчириб олиб кетиш учун 10 кунлик муҳлат тайинланди.

Угандадан Исроилнинг ҳарбий мутахассислари чиқариб юборилгач, Уганда ҳукумати мамлакат территориясидан исроилли барча гражданларни чиқариб юбориш тўғрисида фармойиш бергач, Исроил элчихонасини ёпиш тўғрисида қарорга келинди. Уганда ҳукумати Исроилнинг Угандадаги қўпорувчилик фаолияти муносабати билан мана шу чораларни кўрди.

ҲИНДИ-ХИТОЙ ФРОНТЛАРИДА

ХАНОЙ

Ҳинди-Хитой жанг майдонларида ватанпарвар кучларнинг Америка агрессорлари ва уларнинг шерикларига қарши олиб бораётган шиддатли жанглари тўхтамаётир.

Жанубий Вьетнамда асосий жанглар Сайгон районида, марказий Ясси тоғда ва демилитаризация қилинган зонадан жануброқда олиб борилмоқда. Америка авиацияси ўз қисмларига ва Сайгон режими қўшинларига актив мадад беряпти. Чунончи, қўғирчоқ режими қўшинларининг 28 мартдан 29 мартга ўтар кечаси Ашау водийсидаги ҳужум операциялари вақтида «В-52» оғир бомбардимончи самолётлар ҳужум қилишди. Бироқ ёпирилиб қилинган бомбардимонлар кутилган натижаларни бермади. Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучларининг жангчилари саккиз соат давом этган жанглар вақтида душманнинг солдатларига ва техникасига анчагина талафот етказди.

Ватанпарварлар 20 мартдан 26 мартгача Хюэ шаҳридан Ғарби-Жанубдаги 12-йўлда олиб борган жанглар чоғида Сайгон қўшинларининг 400 дан кўпроқ солдат, офицерини сафдан чиқардилар. Душманнинг икки вертолётини уриб туширдилар, 18 ҳарбий машинасини мажақлаб ташладилар ва кўп миқдорда қурол-яроғини ўлжа тариқасида қўлга туширдилар.

Қўғирчоқ қўшинларининг Камбоджа чегараси яқинидаги Марказий Ясси тоғдаги учта истеҳкоми, шунингдек душманнинг Бьенхоа ва Лонгбинь вилоятларидаги позицияларига кеча ракета ёғдирилди ва миномётдан отилди. Ватанпарварлар ана шу ўққа тутиш натижасида душманнинг кўплаб ҳарбий техникасини сафдан чиқардилар.

(ТАСС).

ҚОҲИРАНИНГ ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАРИ

ҚОҲИРА, 30. Миср ҳукумати мамлакатда, шу жумладан, пойтахтда уй-жой проблемасини ҳал қилиш масаласига катта эътибор бермоқда.

Ҳукуматнинг бўлиб ўтган мажлисида Қоҳира районларидан бири — Носир Ситида уй-жой қурилиши лойиҳасининг бажарилишини жадаллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қиймати 2,5 миллион Миср фунтига тенг бўлган бу лойиҳада 2 минг квартира, тўртта бошланғич ва 2 та тайёрлов мактаби, медицина хизмати маркази ва 2 та бозор қуриш кўзда тутилади.

АГРЕССОРЛАРГА ЁРДАМ

ЛОНДОН, 30 март. (ТАСС). Англия Исроилга сув ости кемалари етказиб бериш тўғрисида у билан шартнома имзолади. Кемаларни «Виккерс» фирмаси қуради, деб хабар беради бугун «Файнэшл таймс» газетаси.

Шартнома имзоланиши — агрессорни қуроллантириш йўлидаги яна бир қадамдир. Амалда бу шартнома Англиянинг Исроилга бошқа хил қуроллар сотишни тақиқлашни бекор қилганлигини ҳам билдиради. Қурол-яроғ ишлаб чиқаришдан фойда кўраётган Британия монополистларининг мақсади ҳам шу эди.

Апрель

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг ОЙЛИК КАЛЕНДАРИ

НАВРЎЗИ ОЛАМ

Муборак ҳур Ватанга ташриф этди шу зиё наврўз,
Табаррук туҳфасини тақдим айлаб, бебаҳо наврўз.
Келишига диёрим ҳар томони кўкламу, кўркам,
Саодатга эришган элда бўлгай дилкушо наврўз.
Иўлида қир — адирлар сабза узра лола нақш этмиш,
Тамоми ҳамватан бирла кўришди дилрабо наврўз.
Тотувли бахт насими юзларини бўсалаб тургай,
Матонат байроғини ҳилпиратди барҳаво наврўз.
Билурки, ўлкамизнинг шавкати ўсмоқда тобора,
Яна келмиш кўнгилда жўш уриб, меҳру вафо наврўз.
Гўзаллик оламини боз устига безаб турган,
Жасорат ёшлигимиз маслагига ҳам даво наврўз.
Ҳузурий ҳар йили хуррам қучоқ очиб кутиб олғум,
Шунинг чун энг аввал дегайман марҳабо наврўз.

Ю. ҲУЗУРИЙ.

АПРЕЛЬ					
Душанба		3	10	17	24
Сешанба		4	11	18	25
Чоршанба		5	12	19	26
Пайшанба		6	13	20	27
Жума		7	14	21	28
Шанба	1	8	15	22	29
Якшанба	2	9	16	23	30

МУҲИМ САНА ВА ЮБИЛЕЙЛАР

2 АПРЕЛЬ — Геологлар куни.

4 — 1945 йил Венгрия фашист босқинчилардан озод бўлди. Венгриянинг миллий байрами.

— МОСКВАГА асос солинганига 825 йил бўлди.

7 — ЖАҲОН саломатлик куни.

— ФРАНЦУЗ социал-утописти Ш. Фурье туғилган кунга 200 йил бўлди.

8 — КАРЛ МАРКС «Капитал»нинг I томи русча таржимада биринчи марта нашр этилганлигининг 100 йиллиги.

12 — КОСМОНАВТИКА куни.

— ЖАҲОН авиация ва космонавтика куни.

15 — БУТУНИТТИФОҚ шанбалиги.

17 — ЛЕНА олтин конларида ишчилар отилган кунга 60 йил тўлди.

20 — ЖАНУБИЙ ОСЕТИН Автоном области ташкил этилган куннинг 50 йиллиги.

21 — 1918 йил Советларнинг V Ўлка съезди Туркистон АССР ни эълон қилди.

22 — В. И. ЛЕНИН туғилди (1870 – 1924). В. И. Ленин хотираси куни.

24 — ХАЛҚАРО ёшлар бирдамлиги куни.

27 — 50 йил муқаддам Ёқутистон АССР ташкил топди.

— Бундан 30 йил муқаддам СССР ҳукумати Бекободда Ўзбек металлургия заводини қуриш ҳақида қарор чиқарди.

28 — 1920 йил Озарбайжонда Совет ҳокимияти ўрнатилди.

30 — Жаҳон қардошлашган шаҳарлар куни.

ҲАЗИЛ КУНИ

Планетамизда бир ажойиб одат бор. Ҳар йили 1 апрелни кишилар ҳазил куни деб кутиб олишади. Бу куни ҳамма бир-бирига, дўст-биродарларига, ҳатто нотаниш кишиларга ҳам енгил ҳазил қилишади.

Бу одат бундан 130 йил илгари ҳам бор экан.

Америкалик ёзувчи Эдгар По 1844 йилнинг 1 апрелида «Нью-Иорксан» газетасида Европадан Виржинияга одам бошқарадиган дирижабль учиб келди, деган ахборотни эълон қилади. Газетахонлар бу хабарга аввал ишониб, кейин бунинг одатдаги 1 апрель ҳазили эканини пайқашгач, ёзувчидан жуда ғазабланадилар, баъзилар ҳатто уни тутиб калтакламоқчи ҳам бўладилар.

1866 йилнинг 1 апрелида Швейцария газетаси, Юнгфау тоғида темир йўл қурилади, деган хабар босди. Редакцияга саволлар ёғилиб кетди. Шундан сўнг газета ўша хабар 1 апрель ҳазили эди, ахир 3500 метр баландликда темир йўл қуриб бўладими деб, изоҳ беришга мажбур бўлди.

Бизнинг асримизда у пайтларда қилиш мумкин бўлмаган ишлар амалга оширилди. реактив самолётлар, осма темир йўллар қурилди, лекин 1 апрель ҳазили ҳали ҳам мавжуд.

Хушчақчақ ва беғубор ҳазил билан ўтадиган кун — 1 апрель ҳар йили кишиларимиз учун қувноқ кайфият бағишлайдиган энг яхши кунга айланиб қолган. Бу кун ҳаммамизга хуш табассум, шўх қаҳқаҳа бағишласин.

ЛОЛА САЙЛИГА

Атрофга назар солинг. Табиат уйғониб, чиройини кўз-кўз қилмоқда. Соғинтирган баҳор гўзал қўчоғига чорламоқда.

Кўклам ёмғири ҳаммаёқни яшнатиб, кўмкўк майсаларни қулоғидан чўзмоқда. Тоғ ёнбағирларидан, боғлардан териб келинган бойчечак, бинафша ҳиди димоғларга урилди. Бодом ва тоғолчалар, ўрикларнинг новдалари ғунча маржонлари билан безанди.

Дам олиш кунларидан кўнгилли фойдаланадиган, субҳи сабо елларидан айни тўйиб-тўйиб симирадиган кезлар. Тошкент олатоғи ёнбағирлари, адир ва қирлари ажиб бир тусда товланмоқдаки, сайру саёҳат ишқибозлари табиат қўйнига отланмай иложлари йўқ.

Баҳор ҳар қанча кечикса ҳам барибир Тошкент гуллари диёримизда энг аввал чирой очади. Бурчмулла, Оқтош, Хумсон, Чимён, қишлоқлари, Оҳангарон адирлари, Чирчиқ соҳиллари, Сирдарё бўйларига лола сайлига чиқиш мумкин. Айни шу кезларда қор эриган ҳамон қуёшга талпинган тоғ лолалари апрель шабадасида шўх силкиниб «мени чекканга тақ» деяётгандай туйилади. Сой ва ариқлар бўйида сайр қилиб ялпиз, отқулоқ, исмалоқ, жағ-жағ, равоч териш мумкин.

Баҳор момақалдироғи қўзиқоринларни ҳам бодратиб юборди. Кенг адирларда, дарахтлар тагида табиатнинг бу ажойиб неъматига саватларни тўлғизиб олса бўлади.

● БАҲОР келиши билан шаҳримиз кўча ва хиёбонларини тартибга солиш, кўкаламзорлаштириш, мевава гул ниҳолларини ўтқазиш ишлари қизиб кетди. Пойтахтимизда кўкаламзорлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш шаҳар конторасн ходимлари айни шу кунларда дарахт ўтқазиш ойлигига бош-қош бўлмоқдалар. Суратда: В. И. Ленин музейи атрофида янги кўчат ниҳолларини ўтқазиш пайти. (Чапдан) ишчилардан Н. Кримская, Л. Раҳимов, А. Уйманова ва агроном Н. Осипова ўртоқлар.

А. Абалян фотоси.

САЙЁРАЛАР ҲОЛАТИ

Апрель ойида эрталаб кун чиқишидан олдин Шарқ томонда Меркурийни кўриш мумкин. 28 апрелда Меркурий билан Қуёш атрофидаги масофа энг катта қийматга эришади — 27° бўлади.

Апрель ойида Марс, Венера, Сатурн сайёраларини яхши кузатиш мумкин. Қуёш ботгандан кейин улар Ғарб томонда кўринади. 1 апрель куни Марс билан Сатурн ёнма-ён турган бўлади. Кейин, 8 апрелдан бошлаб Марс Сатурндан Ғарб томонга узоқлаша бошлайди. Марс 22 апрелда Венерага яқинлашади. Венеранинг апрель ойидаги максимал оғиши +28° бўлади. 7апрель кунлари у ярим кечадан кейин ботади.

Апрель ойида ярим кечадан кейин Юпитерни Шарқ томонда кўриш мумкин.

6 апрелда Уран сайёраси Ерга яқинлашган пайт бўлади. У ярим тун пайтида меридиандан ўтади. Бу ҳодисани рўпара туриш дейилади.

А. РАҲИМОВ,
физика-математика фанлари кандидати.

БАҲОР МАҚОЛЛАРИ

● Наврўздан сўнг қиш бўлмас, мезондан сўнг ёз бўлмас.
● Тўқсон бўлмай ёз чиқмас.
● Бир гул билан баҳор бўлмас.
● Турна эрта келса кўклам эрта келади.
● Яхши йил баҳоридан маълум.
● Баҳор яқин келса қари терак ҳам куртак отади.
● Хут чиқар, ҳамал кирар.
● Ҳамал кирди — амал кирди.
● Эрта кузнинг совуғи жондан ўтар,
Эрта баҳорнинг совуғи ёндан ўтар.
● Савр келса кун гуркирар, кун гуркираса кўк дуркирар.
● Савр — экинларга давр.
● Савр бўлса сайр туғар.
● Савр ёмғири сариқ олтин.
● Булут ола — ер чала.
● Баҳор келди — наҳор келди.
● Келса баҳор — тургил саҳар.
● Кўклам меҳнат билан кўркам.
● Баҳорнинг бир куни йилга татийди.
● Бир кунликдан қолдинг — бир йилликдан қолдинг.

ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Бу йилги қиш Ўзбекистон учун қаттиқ келди. Қор ва совуқ ҳаво январь, февраль ва март ойларининг биринчи ўн кунлигида меёридан анча юқори бўлди. Бу ҳол сўнгги 50 йил мобайнида иккинчи марта юз берди.

Март ойи одатда баҳор фаслининг биринчи ойи ҳисобланади. Лекин температура пасайиб, ёғингарчилик кўп бўлди. Тошкент области бўйича ёғингарчилик миқдори 50-100 мм атрофида бўлдики, бу икки ойлик нормага тенгдир. Бу ойда температуранинг пасайиши ва ёғингарчиликнинг кўп бўлиши дала ишларига, дарахт ва ўсимликларнинг ўсиш жараёнига салбий таъсир қилди.

Апрель ойида ҳам ҳароратнинг ўзгариб туриши кутилади. Тошкент ва Тошкент областида иккинчи ва учинчи ўн кунликда вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Бу даврда ғарб ва шимолий ғарбдан секундига 12-23 метр тезликда шамол эсади. Ойлик ўртача ҳарорат 14-16 градусни ташкил қилади. Ой давомида температура ўзгариб туради. Кечалари 3-8 даражадан 10-15 даражагача иссиқ бўлади. Кундуз кунлари ҳарорат 3-18 даражадан 20-25 даражагача кўтарилади. Ойнинг охирига бориб иссиқлик 30 даражагача етади.

Биринчи, учинчи ва бешинчи беш кунликда айрим вақтлар совуқ тушади. Биринчи беш кунликда областнинг тоғли районларида ҳаво пасайиб ернинг устки қатлами музлайди.

А. АВАНЕСОВА,
Ўрта Осиё гидрометерология марказининг лаборатория мудири.

КЎКЛАМ НЕЪМАТЛАРИ

Исмалоқ жуда қимматбаҳо витаминли ўсимлик ҳисобланиб ширагуллилар оиласига мансубдир. У бир йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 10—60 сантиметр келади. Бегона ўт тариқасида республикамизнинг барча областлари қатори Тошкентдаги суғориладиган майдонларда ва лалмикор ерларда, адирларда кўплаб тарқалган. У баҳордан то ёз бошлангунча гуллайди ва уруғ ҳосил қилади.

Исмалоқ баҳорда бошқа ўсимликларга нисбатан эртароқ кўкаради. У витамин С, В, Е, каротин ва минерал тузлардан кальций, фосфор, калий ҳамда яшил бўёқ моддаларига жуда бойдир. Исмалоқнинг барги ва барра новдаларидан турли хил лаззатли таомлар (сомса, чучвара, кўк шўрва) тайёрлаш мумкин. Ундан консервалар тайёрлашда фойдаланса ҳам бўлади. У жуда осонлик билан уруғидан кўпаяди. Уни куз ва қиш фаслларида ҳам ўстириш мумкин.



БОҒЛАРДАГИ ИШЛАР

Мевали дарахтларни парвариш қилиш агротехникаси тадбирлари ичида шохларни буташ алоҳида ўрин тутади. Дарахт шохларини бутаб, тўғри шакл берилса, у қуёш нури билан етарли таъминланади, тез ўсади ва тез мевага киради, меваси мўл ва йирик бўлади. Дарахтларга тўғри шакл бериш йўли билан уларнинг қиш совуқларига чидамлилигини ошириш ва олмаларнинг йилаpo эмас, балки уч йилда икки марта мева қилишига ҳам эришиш мумкин.

Мева кўчатлари ўтқазилгандан кейин боғбон бир-икки йил давомида кўчатнинг тез авж олиб ўсишига ва шохлашига эътибор беради. Учинчи йилдан бошлаб унинг яхши ўсишини таъминлаш билан бирга, шохларини бутаб, шакл беришга киришади. Дарахтларни буташ — навига, ёшига, ўсиш хусусияти ва дарахтнинг умумий ҳолатига қараб ўзгариб туради.

Ўзбекистонда олма, нок, ўрик, олча ва олхўри сада шаклида, шафтоли — ваза шаклида ўстирилади. Дарахт навига қараб 5—8 тадан асосий шох қолдирилади ва улар икки —уч қатордан жойлаштирилади. Шохларнинг оралиғи ҳам унинг навига боғлиқ. Олма ва нокнинг биринчи қатор шохлари ораси 25—40 сантиметр, юқори қатор шохлари ораси 40—60 сантиметр бўлади. Биринчи (пастки) қаторда учтадан новда ўстирилади, улардан иккитаси бир-бирига яқин ва учинчи новданинг ораси 8—10 сантиметр бўлиши керак. Асосий шохлардаги кейинги новдалар ораси 20—30 сантиметр бўлади. Барча шох ва новдалар ҳар томонга қараб 45—50 градус бурчак остида ўстирилиши керак.

Дарахт мевага киргандан кейин шох ва новдалари танлаб буталади. Бунда дарахтнинг ҳолати, ёши, нав хусусиятлари ва мева миқдори ҳисобга олинади. Агар дарахт суст ривожланган бўлса, бир йиллик новдалар қирқилмайди, икки-уч йиллик шохлар қирқиб ташланади, дарахт ёшартирилади.

Бутаб турилмаган ва кам буталган мева дарахтлари новдаларининг учи тўмтоқ бўлиб ўсади. Бунинг оқибатида майда шохлар баъзан йирик шохлар қуриб бошлайди. «ёғли» новдалар пайдо бўлади. Бундай ҳолда дарахтлар кўпроқ ва узунроқ буталиши керак.

А. ЖУКОВА,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ФУТБОЛ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Апрель келса салом футбол, яхши қол, хоккей, деймиз. Ҳақиқатда клюшка ўз ўрнини чарм тўпга бўшатиб бермоқда. Ишқибозлар гурунгини энди қишки спорт саройлари, яхмалакларда эмас, яшил стадионлар, очиқ майдонларда эшитиш мумкин.

4 апрелдан Совет Иттифоқи XXXIV чемпионатининг расмий ўйинлари бошланиб, Тбилиси, Ворошиловград, Боку, Олмаота, Львов, Ростов-Дон ва Днепропетровскда мавсум байроғи кўтарилади. Икки кун кейин эса биринчи группанинг 18 та командаси мусобақаларга киришади.

Бугун биз футбол муҳлислари учун биринчи лиганинг апрель ойида бўладиган ўйинлар календарини келтирамиз:

6 апрель

«Пахтакор» (Тошкент) — «Звезда» (Пермь)
«Черноморец» (Одесса) — «Шинник» (Ярославль).
«Металлург» (Запорожье) — «Металлист» (Харьков).
«Помир» (Душанбе) — «Кр. Советов» (Куйбишев).
«Строитель» (Ашхобод) — «Уралмаш» (Свердловск).
«Олға» (Фрунзе) — «Шахтёр» (Қарағанда).
«Нистру» (Кишинев) — «Текстильщчик» (Иваново).
«Кривбасс» (Кривой Рог) — «Динамо» (Ленинград).
«Спартак» (Орджоникидзе) — «Шахтёр» (Донецк).

10 апрель

«Пахтакор» — «Уралмаш»
«Черноморец» — «Текстильщчик»
«Металлург» — «Динамо»
«Торпедо» (Кутаиси) — «Спартак»
«Шахтёр» Д — «Автомобилист» (Нальчик)
«Помир» — «Шахтёр» Кг
«Строитель» — «Звезда»
«Олға» — «Кр. Советов»
«Нистру» — «Шинник»
«Кривбасс» — «Металлист»

14 апрель

«Металлист» — «Шинник»

17 апрель

«Спартак» — «Строитель»
«Автомобилист» — «Пахтакор»
«Торпедо» — «Олға»
«Шахтёр» Д — «Помир»
«Звезда» — «Нистру»
«Уралмаш» — «Черноморец»
«Шахтёр» Кг. — «Металлург»
«Кр. Советов» — «Кривбасс»

21 апрель

«Спартак» — «Пахтакор»
«Автомобилист» — «Строитель»
«Торпедо» — «Помир»
«Шахтер» Д — «Олға»
«Звезда» — «Черноморец»
«Уралмаш» — «Нистру»
«Шахтёр» Кг. — «Кривбасс»
«Кр. Советов» — «Металлург»
«Текстильщчик» — «Металлист»
«Шинник» — «Динамо»

28 апрель

«Олға» — «Помир»
«Строитель» — «Пахтакор»
«Текстильщчик» — «Звезда»
«Шинник» — «Уралмаш»
«Металлист» — «Крилья Советов»
«Динамо» — «Шахтер» Кг.
«Металлург» — «Спартак»
«Кривбасс» — «Автомобилист»
«Нистру» — Торпедо»
«Черноморец» — «Шахтёр» Д.

АКАДЕМИК Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти ходимлари минглаб гул кўчатлари ва ниҳолларни кўкламга экишга ҳозирлаб қўйдилар. Суратда: гул хўжалигининг бригада бошлиғи Р. Каримов ва Ш. Тожибоева ўртоқлар чиннигулларни ўтқазишга тайёрламоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

АПРЕЛЬ ТАОМНОМАСИ

Эрта баҳорда мева ва сабзавотларнинг кам бўлиши сабабли киши организми витаминсираб, бўшашиб қолади. Дармон қуриш, тез толиқиш ҳоллари кўп кишиларда учрайди. Ана шунда кўкатлардан тайёрланган таомлардан истеъмол қилиш жуда фойдалидир.

Халқимиз қадимдан ялпиз, отқулоқ, жағ-жағ, момақаймоқ, йўнғичқа каби кўкатларнинг шифобахшлигини билиб, улардан лаззатли таомлар тайёрлашда фойдаланади. Бу кўклам неъматларидан тайёрланган чучвара, сомса, патир ва ҳоказолар авитаминоз, қон босимининг кучайиши, қабзият, семириш ва бошқа касалларга яхши парҳез бўлади.

Хўш, улардан ташқари кўкламда яна қандай таомлардан истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ?

Бунинг учун таниқли ўзбек пазандаси Карим Маҳмудов тузиб чиққан «Апрель таомномаси» билан таништирамиз. Бу ой давомида салат ва яхна овқатлардан: шолғом ва қўзиқорин салати, сузма қўшилган салат, товуқ гўшти, димлама ҳасип, яхна гўшт, суюқ ошлардан дармон шўрва, чучвара шўрва, мошатала, сут оши, қўзиқорин шўрва, мастава, ширхўрда, қуюқ таомлардан каватак палов, қийма палов, қўзиқорин кабоб, тухум қовурма, димлама лағмон, жаркоп, дармон қовурма ва ҳоказоларни, ичимликлардан лимон чой, қулупнай шарвати, новвотли чойларни истеъмол қилиб бориш тавсия этилади.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/IV да **Трубадур**, 2/IV да **Этик кийган мушук** (кундузи), **Жизель** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/IV да **Парвоз** (кундуз соат 3 ва кеч 7 ярмида), 2/IV да **Ажал минораси.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/IV да **Хотинимнинг эри,** 2/IV да **Ҳалима,** 3/IV да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **АЛЬБИНА ЗОТОВА** раҳбарлигида **«АФСОНАВИЙ УЛКА»** иллюзион аттракционининг **гастроллари** (кеч соат 7 ярмида; шанба кунлари: кундуз соат 3 ва кеч 7 ярмида; якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 ярмида).)

Кино

Омадли жентльменлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаракатдаги фронт — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Захар Беркут — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Рустам ҳақида достон— «МОСКВА» (кундуз соат 11 ярим ва 5 ярмида), «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳалоскорлик — «МОСКВА» (кундуз соат 2 ярим ва 8 ярмида), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Колхозлар, совхозлар ва гражданлар диққатига!

Тошкент область матлубот кооперациясининг тайёрлов конторалари

НАСЛДОР ҚУЁНЛАРНИНГ ОҚ ВА КУЛРАНГ ЗОТЛАРИНИ

СОТИШГА КИРИШДИ

Қуёнлар прейскурант бўйича сотилади.

Наслдор қуёнларни сотиб олувчилар қуйидаги адресларга учрашсинлар:

Оҳангарон шаҳри, Оҳангарон район матлубот жамиятининг тайёрлов конторасн.
Қибрай посёлкаси, Орджоникидзе район, матлубот союзининг тайёрлов конторасн;
Бўка посёлкаси, Бўка район матлубот жамиятининг тайёрлов конторасн.
Тўйтепа посёлкаси, Ўрта-Чирчиқ район матлубот союзининг тайёрлов конторасн,
Тошкент область матлубот союзининг тайёрлов бошқармаси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ИНДЕКС 64697.
Р—0335 Б. 1720.